УЧ АВЛОД УЧРАШУВИ

Тарих, бугун ва келажакни ўзида мужассам этган “Уч авлод учрашуви” каби маънавий-маърифий тадбирлар эл-юртимиз ҳаётида гўзал анъанага айланди.

Олтинсой Педагогика коллежида ўтказилган ўзаро суҳбат ва мулоқотларда мамлакатимизда инсон омилига юксак эътибор берилаётгани, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан жамиятимизнинг ҳар бир аъзосига ғамхўрлик, меҳр-оқибат кўрсатилаётгани, инсон қадр-қиммати, унинг орзу-ниятларини рўёбга чиқаришга имконият яратиб бериш устувор вазифага айлангани бот-бот таъкидланди.

Ёши улуғ отахон ва онахонларимиз ҳаёти ва меҳнат фаолияти давомида тўплаган бой тажрибаси, ёшлик давридаги ўзига хос қийинчиликлар, меҳнат палласидаги машаққатлар, ниҳоят, нуронийлик пайтида кўрсатилаётган ҳурмат-

эҳтиром ҳақида ўз дил сўзларини, самимий фикрларини билдирди. Эл-юрт равнақи йўлида мамлакатимиз раҳбарига яқин кўмакчи, камарбаста бўлиш лозимлиги уч авлодга мансуб юртдошларимиз ўртасида кечган самимий суҳбатларнинг бош мавзусига айланди.

Шунингдек, тадбирда сўз олган туман Нуроний жамғармаси раиси Ю Ҳакимов ҳудудда кейинги йилларда рўй бераётган тарихий ўзгаришлар ва янгиланишларнинг мағзини чақиш, мазмунини онг-у қалб билан англаб етиш ва уни кўз қорачиғидек асраш ҳар бир ҳамюртимизнинг фуқаролик бурчи эканлигини ҳам айтиб ўтди.

-Янги Ўзбекистон манзарасини ёрқин рангларда ифода этадиган кўча ва хиёбонлар, замонавий уй-жойлар, турли ижтимоий объектлар билан танишувларнинг ҳар бири олам-олам таассуротлар уйғотади,- деди нотиқ ўз сўзида-Бу эса туманимиз аҳлига катта руҳ, катта шижоат бағишлайди.Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан барча жабҳаларда амалга оширилган ислоҳотлар натижалари, одамларимиз ҳаётида рўй бераётган беқиёс ўзгаришлар бу бир мўъжиза эмасми, азизлар!